

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «17»февраль.

1-сон

Бағдод ш.

Бағдод тумани Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги

(юридик шахснинг номи ёки фуқаро Ф.И.Ш.)

ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом

(Устав, ишончнома ва х.к)

асосида ҳаракат қилувчи бошқарма бошлиғи А.Ашуралиев бир
(вазифаси, фамилияси, исми)

томондан ва IMORAT FAYZ STROY MCHJ (кейинги

(юридик шахснинг номи ёки фуқаро Ф.И.Ш.)

ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан низом асосида

(Устав, ишончнома ва х.к)

ҳаракат қилувчи рахбари М.Каримов иккинчи

(вазифаси, фамилияси, исми)

томондан, қуидагилар тұурысіда мазкур шартноманы түздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз таваккалчилигига асосланған ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланған ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуидаги ишларни бажариш мажбуриятини: Бағдод тумани Ободонлаштириш бошқармаси биносини лойиха смета хужжатлари асосида жорий таъмирлаш ишларини бажариш, Буюртмачи эса ушбу бажарылған ишларни қабул қилиш ва ҳақини тұлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси **98 900 000 Тұқсан саккиз миллион түккіз юз минг сүмни (ҚҚС билан)** ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуидагиларни олади: лойиха смета хужжатларида күрсатылған ишларни түлиқ бажариш.

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида күрсатылған баҳо дастлабки бўлиб, сўнгги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3- бандида белгиланған тартибда қопланади.

3. ТҰЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тұлов қуидаги тартибда амалга оширилади:
олдиндан 30 фоиз, иш бажарылғандан сўнг қолган 70 фоизи тұловларни амалга оширади

3.2. Тұлов шакли:пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома бўйича сўнгги ҳисоб-китоб ишлар бажарылғандан сўнг, қабул қилиш жараённада аниқланған камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 30 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан

амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни 30 кун календар режасида белгиланган муддатларда бажаради

4.2. Буюртмачи қўйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди:30 _

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши:Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, туман ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кучга киради.

Тугаши 2022 йил 31-декабр.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

лоиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни саклашни амалга ошириш;

ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

курилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўрикланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

курилиш обьектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

курилиши тугалланган обьектларни қабул қилиш

далолатномаси имзолангандан кейин 10 қунлик муддатда

курилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида обьектни қабул қилиб олиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг фоизи микдорида неустойка тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга заарни ва бой берилган фойдани қоплади.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий оғатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга тъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 1 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичida бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномага ҳар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма равища расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий хисобланади.

8.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар иқтисодий судларга мурожат қилиш орқали ҳал этилади.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚҰШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши құшимча шартларда белгиланған коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бүйича хамкорликни таъминлайдилар.

9.2. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равищда пул, моддий қийматликлар берилмаганligини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул еки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганligини, таклиф этилмаганligини, уларни беришга ваъда қилинмаганligини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганligини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги хақида таассурот қолдирилмаганligини) кафолатлайди.

10. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

ПУДРАТЧИ:

IMORAT FAYZ STROY МЧЖ

Манзил: Бағдод т. Олмазор қ
ХР:20208000600936175001
Банк: Универсалбанк
Кўқон филиали
МФО: 00973
СТИР: 305 813 684
Тел: +998911050093

Рахбар  М.Каримов




БҮЮРТМАЧИ:

Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Бағдод ш. Оқ олтин кўчаси
ХР:23402000300100001010
Банк: Марказий банк Тошкент ШББ
МФО:00014
СТИР: 204 462 224
ШХР: 100022860302097065200110001
ОКОНХ: 90211



Бошлиқ  А.Ашуралиев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIغا MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi – shartnoma

2.Loyihaning nomi- Pudrat shartnomasi

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Bag'dod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 28 fevral kuni taqdim etilgan. Bog'dod tumani Obodonlashtirish binosini joriy ta'mirlash to'g'risidagi pudrat shartnomasi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bag'dod tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**



E.Abdullaev